

# САМИМИЙ УЧРАШУВЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ЎРТАСИДАГИ КЕНГ ҚАМРОВЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси тадбирларида иштирок этиш учун 20-24 сентябрь кунлари амалий ташриф билан Нью-Йорк шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 24 сентябрь куні АҚШ Конгресси аъзоси, Вакиллар палатасидаги “Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича кокус” раиси Трент Келли ва Миссисипи штати Миллий гвардияси қўмондони, генерал-майор Бобби Жинни қабул қилди.

Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш, шу жумладан, парламентлараро мулоқотни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Парламентлараро мулоқот ва алмашинувлар жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Конгресс Сенати ва Вакиллар палатаси аъзолари Ўзбекистонга мунтазам ташриф буюрмоқда. “Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича кокус” фаол ишламоқда, унинг таркиби

кенгаймоқда. Конгрессда ҳар йили икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган Ўзбекистон кунлари ўтказиб келинмоқда.

АҚШнинг Миссисипи штати билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларга юксак баҳо берилди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклини янада кенгайтириш, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишда Конгресснинг қўллаб-қувватлови муҳим экани таъкидланди.

Суҳбат якунида яқинда Конгресс делегацияси ва Миссисипи штати ишбилармонларининг Ўзбекистонга ташрифларини ташкил этишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШга амалий ташрифини якунлар экан, анъанага кўра, ушбу мамлакатда меҳнат ва истиқомат қилаётган ватандошларимиз, шунингдек, АҚШнинг нуфузли университетларида таҳсил олаётган “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари билан учрашди.

Норасмий муҳитда ўтган самимий суҳбат давомида Янги Ўзбекистондаги ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар, хусусан, уларни фаол илгари суришда ватандошлар ва уларни бирлаштирувчи ташкилотларнинг иштироки муҳокама қилинди.

Учрашувда муваффақиятли тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ватандошлар

ва ёшлар ўртасида мулоқот майдонини яратишга қаратилган “Ватандошларнинг халқаро бизнес марафони”га старт берилди.

Иштирокчилар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий ва таълим алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётнинг устувор соҳаларига АҚШнинг илгор технологияларини жорий этиш, тиббиёт, транспорт ва логистика соҳаларида инновацияларни илгари суриш, мамлакатимизда маркетплейсларни ривожлантириш бўйича ўз тақлифларини билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларга Ватанимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссаси учун миннатдорлик билдириб, айтилган барча тақлиф ва ташаббуслар мамлакатимиз

вазирлик ва идоралари томонидан пухта ўрганиб чиқилиши, энг истиқболлилари эса амалиётга таъбиқ этилишини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти АҚШда “Эл-юрт умиди” стипендиатлари сони 500 нафардан ошганига алоҳида эътибор қаратди. Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва тажрибасини она юртда қўллаш учун имконият яратиш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев талабаларга ўқишда ва келгусидаги касбий фаолиятларида муваффақиятлар тилаб, давлатимиз ёшларнинг ташаббусларига доимо очиқлиги ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини таъкидлади.

Ўз навбатида, учрашув иштирокчилари Ўзбекистон етакчисига хориждаги ватандошлар ва ёшларга кўрсатилаётган эътибор, уларнинг салоҳиятини рўйга чиқариш учун яратилаётган шароит ва имкониятлар учун миннатдорлик билдириб, Ватанимиз равнақиға янада кўпроқ ҳисса қўшишга тайёрлигини билдирдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## Буюк ўзбек йўли

# ЎЗБЕКИСТОН — БМТ: Кўп томонлама дипломатия янги босқичда

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2025 йил 23 сентябрь куні БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясида нутқ сўзлади. Бу — давлатимиз раҳбарининг 2017 йилдан буён БМТ бош минбарида биринчи марта нутқ сўзлаши. Айни воқеа Ўзбекистон сўнгги 8 йилда БМТнинг энг фаол аъзоларидан бирига айлангани ва у билан ҳамкорлигимиз мутлақо янги даражага кўтарилганини яққол тасдиқлайди.



**Янги давр: БМТ келажагига янгича ёндашув зарурати**

Жорий йил Ўзбекистоннинг БМТга аъзолигига 33 йил, ушбу нуфузли халқаро ташкилотта асос солинганига эса роппа-роса 80 йил бўлди. Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин бундай ҳалокатли қирғинбаротларга келгусида йўл қўймаслик учун тузилган ва ҳозир 193 давлатни бирлаштирган ташкилот инсониятнинг улкан ютуғи бўлганини орада ўтган саксон йиллик мураккаб ва масъулиятли давр яққол тасдиқлаб турибди.

Бу ҳақда БМТ Бош Ассамблеяси 80-юбилей сессиясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 80 йиллигига бағишланган тантанали мажлисида алоҳида сўз юритилди. Бинобарин, бундан 80 йил олдин инсониятнинг битта авлоди бошига иккита жаҳон уруши азобини тортиш қисмати тушди. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушида кўплаб мамлакатлар вайронага айланди, 70 миллиондан ортиқ инсон қурбон бўлди.

Шу маънода, аслида ҳам, 1945 йил 26 июнда БМТ низоми имзолангани шунчаки расмийлик эмас, балки инсоният урушининг ўша қора кунларидан сабоқ чиқарганининг том маънодаги тасдиғи бўлди.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланувчи дипломатия соҳасида, **биринчидан**, ҳамкор давлатлар билан икки томонлама дипломатия, **иккинчидан**, минтақамиздаги қўшни мамлакатлар билан минтақавий дипломатия, **учинчидан**, асосий халқаро ташкилотлар билан кўп томонлама дипломатия доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликка катта аҳамият қаратади. Давлатимиз БМТ низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро шартномалардаги мақсад ва принципларга содиқ бўлиб, зиммасига олган мажбуриятларни бажариб келмоқда.

Давоми 3-бетда

## АЁЛ ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ

### БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ, МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ ВА БУЮК КЕЛАЖАК КАФОЛАТИДИР

Янги Ўзбекистон — инсон қадрини улуғланган, у жамият тараққиётининг асосий мезони сифатида қабул қилинган давлат. Бу ғоя қонуний ҳужжатларда эмас, кўз ўнгимизда, ҳар бир инсоннинг ҳаётида ўз аксини топпоқда. Айниқса, хотин-қизларга муносабат, уларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган ислохотлар бугунги тараққиёт стратегиясининг бош мақсадларидан бирига айланди.

Бу Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 80-сессиясидаги нутқида яна бир бор яққол намоён бўлди. Ушбу мартуза дунё ҳамжамиятида, шу билан бирга, юртимизда ҳам аёлларнинг ҳуқуқлари, имкониятлари ва фаровон келажагига оид масалалар давлат сиёсатида

қай даражада устувор ўрин тутаётганини яққол кўрсатди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи мукаммал дипломатик баёот ўлароқ, инсонпарварлик, адолат ва фидойилик руҳидаги янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги юзини ва қатъий позициясини акс эттирди.

Унда нафақат глобал муаммолар тилга олинди, балки уларни ҳал этиш бўйича аниқ стратегия, амалий ечимлар ҳам тақлиф этилди.

Бугунги замонавий, тез ўзгаришчан дунёда хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаоллигини ошириш давлат, жамият учун ҳаётий аҳамият касб этади. Бонис, аёл фаол бўлса, жамият фаол бўлади. Аёл етакчи бўлса, миллат тараққий этади. Аёл бахтли бўлса, оила барқарор, мустаҳкам бўлади. Шу нуқтан назардан, мамлакатимизда хотин-қизлар учун яратилаётган имкониятлар йил сайин кенгайиб, мазмунан бойиб бораётгани янада аҳамиятли.

Давоми 2-бетда

## ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Юртимизда куз фаслининг ажиб таровати кезиб юрибди. Фасллар гавҳари куз — йил давомида қилинган меҳнат самарасини, далаю томорқалар, боғларда етиштирилган мева-сабзавотларни йиғиб-терадиган, хирмон уйиб, қишга ҳозирлик кўрадиган мавсум. Халқимиз бу фаслни мажозий маънода ҳам натижалар мавсуми сифатида идрок этади.

Янги Ўзбекистонимизда барча жабҳа, соҳа ва тармоқларда бу йил том маънода юксалиш йили бўлди. Узоққа бормайлик, Ўзбекистон Республикаси Президентининг АҚШга амалий ташрифи, БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси доирасидаги тадбирлар жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида бўлиб турибди. Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг

олий даражадаги бу ташрифи икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик сари янги қадам бўлди.

Президентимизнинг АҚШга амалий ташрифи нафақат икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар тарихида, балки Марказий Осиё минтақасининг халқаро сиёсатдаги ўрнини белгилаб берадиган муҳим воқеа сифатида қайд этилди.

Бу ташриф расмий форматдаги дипломатик сафардан анча кенг қамровли. Унинг замирида катта сиёсий ирода, мустаҳкам иқтисодий режалар ва Ўзбекистоннинг глобал жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган стратегик ёндашув мужассам.

Давоми 2-бетда









